



Научно-образовательный электронный журнал

ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ

**Выпуск №25 (том 5)
(апрель, 2022)**

АЛЬТЕРНАТИВНЫЕ МЕХАНИЗМЫ РАЗРЕШЕНИЯ СПОРОВ В КОРПОРАТИВНОМ УПРАВЛЕНИИ И РОЛЬ ИНСТИТУТА МЕДИАЦИИ ПРИ РАССМОТРЕНИИ И РАЗРЕШЕНИИ КОРПОРАТИВНЫХ КОНФЛИКТОВ Миржамолов Шухратжон Шавкат угли	1234
АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СТАНДАРТЛАРИГА МОСЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ Маматкулов Муроджон Шукурович	1244
ПРИМЕНЕНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В КОРПОРАТИВНОМ УПРАВЛЕНИИ. ИЗМЕНЕНИЕ ФУНКЦИЙ ОРГАНОВ УПРАВЛЕНИЯ АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВ С ПРИМЕНЕНИЕМ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА Миржамолов Шухратжон Шавкат угли	1253
САМОРЕГУЛЯТИВНЫЕ ИНСТИТУТЫ ЗАЩИТЫ ПРАВ АКЦИОНЕРОВ Миржамолов Шухратжон Шавкат угли	1264
ПРИМЕНЕНИЕ ИСКУССТВЕННЫХ ИММУННЫХ СИСТЕМ В СИСТЕМАХ ОБНАРУЖЕНИЯ ВТОРЖЕНИЙ Бекматов А.К.	1269
FIZIKA- TEXNIKA TARAQQIYOTINING GAROVIDIR G'ulomova Muruvvat Abdulxayevna	1275
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СЛОВ С ПРОТИВОПОЛОЖНЫМИ ЗНАЧЕНИЯМИ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ Парпиева Нафиса Садиковна	1278
SUN'IY INTELEKT Nishonova Dildora Mashrabjon qizi	1285
POST-METHOD ERA AND LEARNING OUTSIDE THE CLASSROOM Amanov Alisher Kakhramonovich	1289
LEXICAL MEANS FOR DESCRIBING HUMAN APPEARANCE IN ENGLISH Nizomov Feruz Raxmon o`g`li	1295
ISSIQ IQLIM SHAROITIDA YURAK-QON TOMIR KASALLIKLARIDAN HIMOYALANISH VA SHAXSIY PROFILAKTIKA CHORALARI Raximov Diyorbek Xolmuhammad o`g`li	1301
JISMONIY TARBIYA VA SPORT DARSLARIDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING JIHATLARI Davronov Nuftillo	1305

ФИО авторов: *Маматкулов Муроджон Шукурович*

(и.ф.д., доц.), “ТИҚХММИ” - МТУ

У.Р.Байдовуров (магистрант)

Название публикации: «АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СТАНДАРТЛАРИГА МОСЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ»

Аннотация: мақолада асосий воситалар ҳисоби бўйича БҲМС ва БҲХС ўртасидаги фарқлар ва уларни ҳисобга олиниши, асосий воситалар ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мослаштириш шартлари бўйича республикадаги мавжуд муаммолар чуқур ўрганилган ва уларни бартараф этиш юзасидан тегишли илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган, асосий воситалар ҳисобини БҲХС бўйича юритишнинг назарий-услубий жиҳатлари ва уларни такомиллаштириш йўллари кенг ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: асосий воситалар ҳисоби, амортизация, амартизацияланадиган қиймат, асосий воситаларни қайта баҳолаш, баланс қиймати, таннарх, эскириш ҳисобланадиган қиймат, тадбиркорлик субъектига хос қиймат, ҳаққоний қиймат, кадрсизланиш бўйича зарар, қопланадиган қиймат, активнинг тугатиш қиймати.

Кириш

Бугунги республикада иқтисодий модернизациялаш шароитида хўжалик юртиувчи субъектларда ҳисоб тизимини халқаро миқёсга олиб чиқиш ва тараққий эттирилишига бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (БҲХС) муҳим ўрин тутади. Умумий ҳолатда, БҲХСлар давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни, хусусан иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва инвестицион муҳитга инновацияларни олиб кириш ва уларни яхшилашда муҳим восита сифатида хизмат қилмоқда. Шунинг учун, ҳисоб тизимида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини кенг эътироф этувчи мамлакатлар сони ошиб бормоқда. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасидаги хўжалик юртиувчи субъектлар ҳам БҲХСга ўтиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди ва унга асосан, 2015-2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботни МҲХСга мувофиқ нашр этиши ва аудитнинг халқаро стандартлари бўйича ташқи аудитни ўтказиши, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида, 2015 йилнинг 1 июлига қадар акциядорлик жамиятларининг йиллик молиявий ҳисоботини халқаро стандартларга мувофиқ нашр этиш жадвалини тасдиқлаш белгиланган [1].

Сўнгра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан, акциядорлик жамиятларининг устав капиталига 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда хорижий инвесторларнинг улуши жалб қилиниши лозимлиги белгиланган [2].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузилишига тўғри келади. Чунки, ундан хорижий инвесторлар акциядорлик жамиятларининг молиявийвий ҳисоботларини тўғридан тўғри тушунишига ва ишонч ҳосил қилиш лозимлигига эришади.

Ана шу жиҳатдан олганда, асосий воситалар ҳисобини халқаро стандартларга мослаштириш ва такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқлиги долзарб вазифалар эканлигини белгилаб беради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг 21-сонли стандартига кўра, “мулкчилик ҳуқуқи корхонага тегишли бўлган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати, фойдаланилаётган, консервация қилинган ёки оператив ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар тўғрисидаги ахборотлар умумлаштирилади. Аналитик ҳисобнинг ташкил қилиниши республика ҳудуди ва хориждаги асосий воситаларнинг мавжудлиги ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни олиш имкониятини таъминлаши лозим” [3].

Мол-мулкни асосий воситалар таркибига киритиш тартиби хўжалик юритувчи субъект томонидан Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сон буйруғи билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сон БХМС) “Асосий воситалар”га мувофиқ ва ушбу мол-мулкни харид қилиш вақтида олинган паспорт ва тавсифлар, фойдаланиш бўйича йўриқнома ва бошқа техник ҳужжатлар асосида амалга оширилади [4].

Асосий воситалар асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётларда қуйидаги объектлар учун аниқланадиган бошланғич қийматда ҳисобга олинади:

а) корхонанинг устав капиталига таъсисчилар томонидан уларнинг улуши ҳисобидан киритилган объектлар - томонларнинг келишувига асосан;

б) корхонанинг ўзида тайёрланган, шунингдек тўлов эвазига бошқа корхона ва шахслардан сотиб олинган объектлар - ушбу объектларни (иншоот, қуриш, тиклаш) барпо этишга кетган ҳақиқий харажатлардан келиб чиқиб ёки ушбу объектларни харид қилишда, тўланган ва қопланмайдиган солиқлар (бошқа мажбурий тўловлар), шунингдек етказиб бериш, йиғиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва ушбу активни ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда;

в) бошқа корхона ва шахслардан текинга олинган, шунингдек ҳукумат идоралари томонидан субсидия кўринишида олинганлари - қабул қилиш

санасидаги бозор баҳоси ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатларида кўрсатилган қиймат бўйича.

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати фақат қуриб битказилганда, қўшимча жиҳозланганда, реконструкция қилинганда, модернизация қилинганда, техник қайта қуроллантирилганда ва қисман тугатилганда ҳамда қайта баҳоланган ҳолларда ўзгартирилиши мумкин. Барча хўжалик юритувчи субъектлар (микрофирма ва кичик корхоналардан ташқари) мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар йили 1 январь ҳолатига асосий воситалар қийматини жорий баҳога келтириш учун қайта баҳолашни амалга оширадilar. Бунда микрофирма ва кичик корхоналар 1 январь ҳолатига асосий фондларини ҳар уч йилда бир марта қайта баҳолайди. Асосий воситалар баҳосини ошириш (тушириш) суммаси асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётларнинг (0100) дебети (кредити) бўйича 8510 “Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Таъсисчилар томонидан корхонанинг устав капиталига улуш ҳисобидан киритилган асосий воситаларни кирим қилиш асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётларнинг (0100) дебети ва 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи” счётининг кредитида акс эттирилади.

Корхонанинг ўзи томонидан қурилган, шунингдек пудрат шартномасига асосан қурилган асосий восита объектларни тегишли асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётларнинг (0100) дебети, 0810 “Тугалланмаган қурилиш” счётининг кредити бўйича кирим қилинади.

Мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа шахслардан сотиб олинган асосий восита объектлари асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётларнинг (0100) дебети ва 0820 “Асосий воситаларни харид қилиш” счётининг кредити бўйича кирим қилинади.

Бошқа корхона ва шахслардан текинга олинган асосий воситаларнинг кирим қилиниши асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётларнинг (0100) дебетида 8530 “Текинга олинган мулклар” счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Бироқ, солиққа тортиш мақсадида, текинга олинган асосий воситаларнинг қиймати фойда солиғини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базага қўшилади.

Асосий воситаларни тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, молиявий ижарага бериш, камомад ёки бузилиши натижасида ҳисобдан чиқаришда уларнинг бошланғич қиймати тегишли (0100) асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлардан 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” счётининг дебетида ҳисобдан чиқарилади” [3].

Жаҳон амалиётида асосий воситаларни ҳисобга олиш бўйича 16-сонли “Асосий воситалар” деб номланган БҲХС қўлланилади. Ушбу стандартга кўра, асосий воситалар турли мезонларга жавоб бериши назарда тутилади, масалан, 16-сонли БҲХСнинг 3-бандига мувофиқ, қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

(а) МҲХС 5 “Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва давом эттирилмайдиган фаолият”га асосан сотиш учун мўлжалланган деб таснифланадиган асосий воситалар;

(б) қишлоқ хўжалиги фаолиятига тегишли биологик активлар (БҲХС 41 - “Қишлоқ Хўжалиги”);

(в) фойдали қазилмаларни қидириш ва аниқлашда ушбу фойдали қазилмаларнинг тан олиниши ва баҳоланиши (МҲХС 6 “Фойдали қазилмаларни қидириш ва аниқлаш”); ёки

(г) нефть, табиий газ ва шунга ўхшаш қайта тикланмайдиган ресурслар каби фойдали қазилмаларга ҳуқуқлар ва фойдали қазилмаларнинг захиралари.

Бироқ, ушбу стандарт (б)–(г) бандларда қайд қилинган активларни қазиб олиш ёки ишлатишда фойдаланиладиган асосий воситаларга нисбатан қўлланилади [5].

О.В.Жердеванинг фикрига кўра, “балки биринчи навбатда активнинг мезонларига жавоб берса, асосий воситага айланиши мумкин, бу эса, бухгалтерия тизимлари ўртасидаги фарқдир” [9].

Энди бухгалтерия тизимларидаги, яъни асосий воситалар ҳисоби бўйича БҲМС ва БҲХС ўртасидаги фарқларни изоҳлайдиган бўлсак, бу асосий фарқ - асосий воситаларнинг ўлчов бирлигидир. 5-сонли БҲМС 4-бандига кўра, “Асосий воситалар таркибига қуйидаги мезонларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган моддий активлар киритилади:

а) бир йилдан ортиқ хизмат муддати;

б) бир birlik (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикасида (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар”, [4] - деб эътироф этилган.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига кўра, эса, асосий воситаларнинг тан олиш бирлигининг аниқ таърифи йўқ, яъни 16-сонли БҲХСнинг 9-бандига кўра, “Ушбу стандарт тан олиш учун ўлчов бирлигини, яъни асосий восита объекти нимадан ташкил топишини белгилаб бермайди. Шунинг учун, тадбиркорлик субъектининг ўзига хос шарт-шароитларида тан олиш мезонларини қўллаш учун мулоҳаза қилиш талаб этилади ва тан олиш мезонларини ушбу бирлаштирилган қийматга нисбатан қўллаш ўринли бўлиши мумкин”, [5]лиги эътироф этилган.

Н.А.Терпакнинг изланишларига кўра, “Ташкилот томонидан асосий восита сифатида қабул қилингандан сўнг, у тарихий қиймати бўйича ҳисобга олинади. Бошланғич қиймат асосий воситаларни корхонага олиш усулидан келиб чиқиб шакллантирилади” [6] - деб, изоҳлайди.

Россиялик қатор олимлар, жумладан, О.В. Жердева, Е.А. Санькова ва С.А.Муллиновалар эса, “Хўжалик юритувчи субъект асосий воситаларни қайта баҳолаш тўғрисида қарор қабул қилади, бу эса кейинчалик бухгалтерия сиёсатида белгиланади. Агар ташкилот асосий воситаларни қайта баҳолашга қарор қилса, ПБУ 6/01га мувофиқ қайта баҳолаш қўшимча капиталга киритилади. Халқаро амалиётда асосий воситалар ҳам қайта баҳоланиши мумкин. Қайта баҳолаш хўжалик юритувчи субъектда шундай амалга ошириладики, асосий воситалар ҳар доим жорий таннархда акс эттирилади. Бу фойдаланувчилар учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни янада ишончли қилади. Бироқ, МҲХСга мувофиқ, қайта баҳолаш ўз капиталига киритилади ва “қайта

баҳолаш заҳираси” деб аталади. “Қайта баҳолаш заҳираси” ўз навбатида ҳисобот даври охирида фойдага ҳисобдан чиқарилади. Агар асосий восита амортизация қилинган бўлса, у ҳисобот даврининг зарарларида акс эттирилади” [9] - деб, таъкидлаб ўтганлар.

Ана шу ўринда шуларни таъкидлаб ўтиш жоизки, МҲХСда асосий воситалар объекти қийматининг қуйидаги турларини ўз ичига олади - баланс қиймати, таннарх, эскириш ҳисобланадиган қиймат, эскириш, тадбиркорлик субъектига хос қиймат, ҳаққоний қиймат, қадрсизланиш бўйича зарар, қопланадиган қиймат, активнинг тугатиш қиймати.

М.Филиппованинг фикрича, “Амортизация солиштиришнинг кейинги жиҳати ҳисобланади. Шундай қилиб, Россия бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусияти - бу асосий воситаларнинг қийматини фойдали хизмат муддати йиллари йиғиндиси бўйича ҳисобдан чиқариш усулидир” [11].

Умуман олганда асосий воситаларнинг амортизациясини ҳисоблаш усуллари тўғри чиқиқли, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариш, сонлар йиғиндиси, камайиб борувчи қолдиқ усуллари мавжуд бўлиб, бухгалтерия ҳисобидаги асосий воситанинг дастлабки қийматининг ўзгариши объектларни тугатиш, қўшимча жиҳозлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш, қисман тугатиш ва қайта баҳолашда содир бўлиши мумкин. Халқаро молиявий ҳисобот стандартларида, агар меъёрий хусусиятларнинг яхшиланганлиги тасдиқланса, асосий воситаларнинг қиймати исталган вақтда шакллантирилиши мумкин.

Тадқиқот методологияси

Мақолани тайёрлаш билан бирга асосий воситалар ҳисобини БҲМС бўйича ва БҲХС бўйича юритилиши тартибларига оид чоп этилган илмий адабиётларни қиёсий таҳлил қилиш ва маълумотларни қайта ишлаш ҳамда тизимли ёндашув асосида таҳлиллар ўтказилган.

Таҳлил ва натижалар

Халқаро амалиётда яна бир кўриниш мавжуд бўлиб, унга кўра, тугатиш ва қайта тиклаш харажатлари объектнинг дастлабки қийматига киритилиши зарур. Қуйидаги 1-жадвалда асосий воситалар ҳисоби бўйича БҲМС ва БҲХСлар бўйича ўзаро фарқлар умумлаштириб келтирилди.

1-жадвал

БҲХМС ва БҲХС бўйича асосий воситаларни ҳисобга олишдаги ўзаро фарқлар

Кўрсаткичлар	БҲМСга кўра	БҲХСга кўра
Объектни ҳисобга олиш учун қабул қилиш	а) бир йилдан ортиқ хизмат муддати; б) бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикасида (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар	(а) маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш, ёки хизматларни кўрсатиш, ёки бошқа томонларга ижарага бериш, ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган; ва (б) бир даврдан узокроқ муддат давомида фойдаланилиши кутилган.
Ўлчов бирлиги	Инвентаризация объекти.	Эътироф этилмаган
Тан олиниши	Асосий воситалар актив сифатида тан олинганда улар бошланғич қиймат бўйича баҳоланади	(а) тадбиркорлик субъекти томонидан асосий восита билан боғлиқ келгуси

		иктисодий наф олиниси эҳтимоли мавжуд бўлса; ва (б) активнинг таннархи ишончли баҳолана олса.
Қайта баҳолаш натижалари	Асосий воситалар қайта баҳолаш натижасида ҳисоб ва ҳисоботда жорий қиймат бўйича акс эттирилади. Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати қайта баҳоланиши мумкин	Актив сифатида тан олинганидан сўнг, асосий восита объекти унинг таннархидан ҳар қандай жамғарилган эскириш суммаси ва ҳар қандай қадрсизланиш бўйича йиғилган зарарлар чегириб ташланган қийматда ҳисобга олиниси керак.
Асосий воситалар қийматининг турлари	Бошланғич қиймат, амортизацияланадиган қиймат, жорий қиймат, қолдиқ (баланс) қиймат, тугатиш қиймати.	Баланс қиймати, таннарх, эскириш ҳисобланадиган қиймат, эскириш, тадбиркорлик субъектига хос қиймат, ҳаққоний қиймат, қадрсизланиш бўйича зарар, қопланадиган қиймат, активнинг тугатиш қиймати
Амортизация усуллари	а) бир маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усули. б) бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаш усули (ишлаб чиқариш усули).	Тўғри чизиқли, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариш, сонлар йиғиндиси, камайиб боровчи қолдиқ усуллари
Объектни тугатиш	Асосий воситалар қиймати корхона балансидан қуйидагилар натижасида ҳисобдан чиқарилади: тугатилганда; сотилганда айирбошланганда; текинга берилганда; устав капиталига таъсисчи улуши сифатида берилганда; молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича берилганда; камомад ёки йўқотишлар аниқланганда; таъсисчи таъсисчилар таркибидан чиққанда; нодавлат нотижорат ташкилот мулкани шакллантиришда мулкый бадал сифатида берилганда.	Асосий восита объектининг баланс қиймати қуйидаги ҳолатларда ҳисобдан чиқарилиши керак: (а) у чиқиб кетганида; ёки (б) ундан фойдаланишдан ёки унинг чиқиб кетишидан ҳеч қандай келгуси иктисодий наф кутилмаганида

Россиялик олим К.А.Шкамардининг эътирофи этишича, “Россия бухгалтерия ҳисобида асосий воситани тугатишда ушбу ҳаракат билан боғлиқ барча харажатлар ҳисобга олинмайди. Худди шу нарса асосий воситаларни қайта тиклаш жараёнига ҳам тегишлидир” [12].

Шундай қилиб, мавжуд фарқлар ушбу мавзунинг тегишли равишда ўрганиш билан халқаро стандартларга мувофиқ ҳисобот беришга тўсқинлик қилмайди. Дарҳақиқат, МҲҲСга мувофиқ ҳисобот бериш турли мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни муваффақиятли ўрнатиш ва хорижий инвесторлар билан муносабатларни ўрнатишнинг калитидир.

М.А.Вахрушина, Л.А.Мельникова ва Н.С.Пласковаларнинг таъкидлашларича, “МҲҲС ва РБҲСни бирлаштириш зарурати, шунингдек, инвесторлар томонидан МҲҲС форматида ҳисобот беришга қизиқишнинг ортиши билан боғлиқ. Чунки айнан мана шу молиявий барқарорлик кўрсаткичларини энг кўп очиб беришга имкон беради, айтиш пайтда молиявий барқарорлик омили маҳаллий компанияларнинг халқаро капитал бозорларига инвестицияларни жалб этишини таъминлашда асосий омиллардан бири бўлиб,

ишлаб чиқаришни модернизация қилишдир, кейинчалик бу кўрсаткичларни кенгайтириш учун фойдаланилади [7].

М.Ф.Овсийчук ва Д.В.Якимовларнинг фикрларига кўра, “Фарқларнинг аксарияти асосий воситаларни баҳолашнинг қўлланиладиган усуллари билан боғлиқдир. Халқаро амалиёт қоидаларига кўра, объектлар қайта баҳоланган қийматига мувофиқ ҳисобга олинади. Бухгалтерия ҳисобининг ушбу усулини қўллаш доирасида корхона асосий воситалар баланс қийматини уларнинг ҳаққоний қийматига етказиш учун ҳисоб-китобларни амалга оширади [10].

Энди асосий воситаларнинг тан олинишидаги қийматлари бўйича ўзаро фарқларни қуйидаги 2-жадвалда келтириб ўтдик.

1-жадвал

БҲХМС ва БҲХС бўйича асосий воситаларнинг тан олинишидаги қийматлари бўйича ўзаро фарқлар

Қиймат номи	5-сонли БҲМСга кўра	Қиймат номи	16-сонли БҲХСга кўра
Бошланғич қиймат	Асосий воситаларни яратиш (куриш ва куриб битказиш) ёки харид қилиш бўйича қилинган харажатларнинг қиймати, шу жумладан тўланган ва қопланмайдиган солиқлар (йиғимлар), шунингдек активни ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва исталган бошқа харажатлар	Баланс қиймати	Ҳар қандай жамғарилган эскириш ва йиғилган кадрсизланиш бўйича зарарлар чегириб ташланганидан сўнг активнинг тан олинadиган суммаси
		Таннарх	Активни унинг хариди ёки қурилиши пайтида сотиб олиш учун тўланган пул маблағи ёки пул маблағи эквивалентидаги қиймат ёки бошқа турдаги унинг эвазига берилган товоннинг ҳаққоний қиймати ёки активнинг дастлабки тан олинишидаги қийматдир
Амортизацияланадиган қиймат	Кутилаётган (баҳоланган) тугатиш қийматини чегирган ҳолда молиявий ҳисоботларда кўрсатилган активнинг бошланғич (тиклаш) қиймати суммаси	Эскириш ҳисобланадиган қиймат	Активнинг тугатиш қиймати чегирилгандаги таннархи ёки таннарх ўрнига акс эттириладиган бошқа қийматдир
Жорий қиймат	Маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича асосий воситаларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлган сумма	Тадбиркорлик субъектига хос қиймат	Тадбиркорлик субъекти томонидан активдан давомий фойдаланишидан ва фойдали хизмат муддати охирида балансдан чиқаришдан ёки мажбурият сўндирилганида кутиладиган пул оқимларининг келтирилган қийматидир
Қолдиқ (баланс) қиймат	Жамланган амортизация суммасини чегирган ҳолда асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати	Ҳаққоний қиймат	Баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишда олиниши мумкин бўлган ёки мажбуриятни ўтказишда тўланиши мумкин бўлган нарх

Тугатиш қиймати	Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича кутилаётган харажатларни чегирган ҳолда кутилаётган фойдали хизмат муддати охирида асосий воситаларни тугатиш чоғида олинадиган активларнинг кутилаётган суммаси	Қадрсизланиш бўйича зарар	Активнинг баланс қийматининг унинг қопланадиган қийматидан ошадиган қисмидир
		Қопланадиган қиймат	Активнинг қуйидаги қийматларидан юқорироғи: сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати ва унинг фойдаланишдаги қиймати.
		Активнинг тугатиш қиймати	Активнинг чиқиб кетиши бўйича баҳоланган харажатлар чегирилган ҳолда, тадбиркорлик субъекти айна пайтда худди актив фойдали хизмат муддати охирида кутилган муддати ва ҳолатида бўлганидек активнинг чиқиб кетишидан оладиган баҳоланган қиймати.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоботларини тайёрлашда халқаро стандартлар тамойилларини жорий этилиши, маълумотларни тўлиқ очиб берувчи ахборотларни олишни хоҳлайдиган ички, хусусан ташқи манфаатдор фойдаланувчилар сонининг кўпайиши билан боғлиқ.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистонда асосий воситаларни ҳисобга олишни халқаро стандартлар билан унификация қилишда қуйидагиларни таклиф этамиз:

1. Асосий воситаларни тўғри таснифлаш, тан олиш мезонлари ва баҳолаш усуллари тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, шунда асосий воситалар қийматини аниқлаш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш батафсил тавсифланади.

2. Амалда қўлланилаётган молиявий ҳисоботлар шаклларини халқаро стандартларга мослаштириш ва шу асосида такомиллаштириш.

3. Ахборотлардан фойдаланувчиларнинг кўп сонли манфаатдор тоифаларини ва натижада потенциал инвесторларни жалб қилиш эканлиги мақсадидан келиб чиқиб, молиявий ҳисоботларни тузиш ва шакллантиришда МҲХС тамойилларини тўлиқ қўллаш соҳасини кенгайтириш зарур.

4. Ўзбекистондаги хўжалик юритувчи субъектларни халқаро стандартларга ўтиши, яъни МҲХСга ўтишда тезкор ва ишончли, стратегик ва амалий усулларини қўллаш. Умумий молиявий ва бошқарув маълумотлари аниқлиқ, ишончлилик ва ҳаққонийликни оширишга қаратилган бўлиши зарур.

Шундай қилиб, замонавий бозор шароитлари ташкилот ва корхоналардан ички ва ташқи фойдаланувчиларга молиявий ҳолати тўғрисида ўз вақтида ва ишончли ҳисобот маълумотларини тақдим этишни талаб қилади, бу эса унинг янада самарали ва муваффақиятли ишлашига ёрдам беради. Бундай маълумотлар хўжалик юритувчи субъектни бошқариш учун, шунингдек, потенциал инвесторлар учун алоҳида аҳамиятга эга.

Шу муносабат билан, халқаро бозорлардан кўпроқ капитал жалб қилиш учун маҳаллий ва халқаро стандартларни янада кўпроқ бирхиллиштириш ва бирлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 980-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.04.2022 й., 06/22/101/0288-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг 2-илоvasи. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 51-сон, 633-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон

3. Ўзбекистон Республикаси 21-сонли БҲМС. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сон буйруғи.

4. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 5-сонли БҲМС Асосий воситалар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2003 йил 9 октябрда, 114-сон буйруғи. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январда рўйхатдан ўтказилган.

5. 16-сонли БҲХС. www.mf.uz/media/file_en/audit/is/IAS16.pdf.

6. Терпак Н.А. Международные стандарты финансовой отчетности: цель, принципы и сопоставление с положениями по ведению бухгалтерского учета в РФ // Экономика и биз-нес: теория и практика. – 2019. – № 10-2 (56). – С. 118-120.

7. Вахрушина М.А., Мельникова Л.А., Пласкова Н.С. Международные стандарты финансовой отчетности: учеб. пособие / под ред. М.А.Вахрушиной. М.: Омега-Л, 2009. – 571 с., Завьялова Т.В., Гудожникова Е.В., Васильева Е.А. Сравнительный анализ бухгалтерского учета основных средств в отечественной и международной практике // Фундаментальные исследования. – 2015. – № 12-6. – С. 1215-1218., Чая В.Т., Чая Г.В. Международные стандарты финансовой отчетности: учебник. М.: Рид Групп, 2011. – 368 с.

8. Жердева О.В. Развитие концепции справедливой стоимости/О.В. Жердева, Е.А. Санькова//Сб. Формирование экономического потенциала субъектов хозяйственной деятельности: проблемы, перспективы, учетно-аналитическое обеспечение. – 2015. – С. 76-79. Муллинова С.А. Международные стандарты финансовой отчетности: учебное пособие / С.А. Муллинова, О.В. Жердева. – Майкоп: ИМ Магарин О.Г., 2018. – 176 с.

9. Жердева О.В., Санькова Е.А. Развитие концепции справедливой стоимости//Сб. Формирование экономического потенциала субъектов хозяйственной деятельности: проблемы, перспективы, учетно-аналитическое обеспечение. – 2015. – С. 76-79. Муллинова С.А., Жердева О.В. Международные стандарты финансовой отчетности: учебное пособие. – Майкоп: ИМ Магарин О.Г., 2018. – 176 с.

10. Овсяичук М.Ф., Якимов Д.В. Особенности учета основных средств по российским и международным стандартам//Фундаментальные и прикладные исследования кооперативного сектора экономики. – № 2. – 2017. – С. 77-85.

11. Филиппова М. Сравнительный анализ учета основных средств по РСБУ и МСФО//European journal of economics and management sciences. – 2017. – №2. –С. 6-9.

12. Шкамарда К.А. Амортизация и обесценение основных средств в соответствии с РСБУ и МСФО // Инновационная наука. – 2017. – №12. – С. 129-133